

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ВА ИСЛОХОТЛАР

*Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси  
Курбанов Жаҳонгир Абдумуталлиевич  
ТДЮУ қошидаги юридик лицей ўқитувчиси \*Ўткир Исломов*

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кириб бормоқда. Барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар натижасида йирик ўзгаришлар кузатиляпти. Энг асосийсми давлат унинг органлари ўз эътиборини одамларга қаратди. Янги тенденция сифатида инсон жамият давлат қоидаси ўзининг натижаларини бермоқда. Одамларга эртанги қунга ва истиқболга ишонч ортди ва бу тенденция кучайиб бормоқда. Давлат бошқарувида янгича тафакур ва замонавий сиёсий маданиятга ҳамда илғор хорижий билимларга эга қатлам кириб келмоқда. Шуннингдек, ўз навбатида мамлакатмизда 2017 йилларда бошланган демократик ўзгаришлар ва миллий манфаатларга асосланиш марказий осиёни ўзаро хамкорлик ва барқарорлик минтақасига айлантириди ўзига хос обрў эътибор ва маъсулиятли давлатга айланди. Шунинг билан бир вақтда дунёдаги бўлаётган кейинги 30 йиллардаги ўзгаришлар, мамлакатимизнинг жаҳон хамжамиятиниг фаол субектига айланishi бошқарув тизимида қарорлар қабул қилишни жумладан, сайлов тизимини шаллантириш бўйича йирик ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сиёсий партияларнинг фаоллиги ортди, уларнинг мағкуравий-гоявий дастурлари янада ривожланди, партиявий тизим ҳам ўзгарди, уларнинг сони биттага ортди, яъни Ўзбекистон Экологик ҳаракати – сиёсий партия сифатида вужудга келди.. Аralаш тизими деган сайлов жараёнида янгилик жорий этилди. Унинг мақсади сайлов тизимларининг афзалликларини бирлаштириш ва иложи бўлса, уларнинг камчиликларини бартараф этишдир. Пропорционал сайлов тизимидан бир қатор афзалликларга демократик анъаналарга ега мамлакатларда фуқаролик жамиятиниг асосий институтларидан бири бўлган сиёсий партияларнинг ривожланишини рағбатлантириш киради. Кўпчилик сайлов тизими, пропорционал тизимдан фарқли ўлароқ, сиёсий партияларга сайлов жараёнида фаол иштирок этиш имкониятини беради. Аralаш тизимнинг мақсади сайлов тизимларининг афзалликларини бирлаштириш ва иложи бўлса, уларнинг камчиликларини бартараф этишдир. Пропорционал сайлов тизимидан бир қатор афзалликларга демократик анъаналарга эга мамлакатларда фуқаролик жамиятиниг асосий институтларидан бири бўлган сиёсий партияларнинг ривожланишини рағбатлантириш киради. Кўпчилик сайлов тизими, пропорционал тизимдан фарқли ўлароқ, сиёсий партияларга сайлов жараёнида фаол иштирок этиш имкониятини беради.

Албатта бу жараёнлар хар бир киши олдида айниқса ёш авлод олдига янги вазифаларни қўймоқда. Масалан мустақил фикрлайдиган мамлакатимизда ва

жахонда бўлаётган жараёнларни тугри мушохада этиш, ислохотларга миллий манфаат нуқтаи назаридан баҳо бериш, барча даражаларда қарорлар қабул қилишда ва ишлаб чиқишида фаол иштирок этиш стратегик вазифа хисобланади. Ёшларимизнинг, тадбиркорларимизнинг хорижий мамлакатларда ўқишилари ва фаолиятларда мусқил позиция мустақил фикр билдириш мухим давлат сиёстига айланмоқда. Бутун дунё сиёсий тажрибаси шуни кўрсатадики, юқоридаги вмақсадларга эришишда сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеи сайлов жараёнларига иштирок даражаси ва маъсулияти энг стратегик вазифани бажаради. Бу борада сайлов жараёнларида сиёсий партияларнинг ташаббуслари ва харакатлари мухим ахамиятга эга бўлмоқда. Иккинчидан, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар ўзларининг дастурларини шакллантириб, ўз тарафдорларини кўпайтириш учун тарғибот ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Кейинги етти йил ичида партияларнинг жамиятдаги мавқеи анча юксалди. Уларни қўлловчилар сафи тобора қўйиб бормоқда. Партияларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликка етказишида янгиликлар пайдо бўлди. Партиялар билан ҳалқ орасида бўлиб, кўп вақтларини сайловчилар билан учрашувларда ўтказмоқдалар. Ўз навбатида сайловчиларда партиялар ҳақида ижобий фикр ривожланди. Кўпчилик партияларга нисбатан демократик давлатнинг асосий таянчи эканлиги, сиёсий ҳокимиятга иштирок этишнинг асосий нуқтаси эканлигини англаш этди.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг теледебати мамлакатимиз телеканаллари орқали тўғридан-тўғри намойиш этилаётгани ҳам янги босқичdir. Бунинг эътиборга молик томони шундаки, иштирокчилар аудиториядаги ҳамда турли жойлардан келган юртдошларимизни қийнаб келаётган муаммолар бўйича саволларга очиқ-ойдин, аниқ далил ва рақамларга асосланган ҳолда жавоб беришмоқда.

Бу, албатта, партияларининг жонли эфир орқали ўзларини намоён этишларини, ҳалқнинг дарду ташвишлари улар учун биринчи навбатда туришини, шунингдек, долзарб масалалар бўйича очиқ мулоқотга киришиш лаёқатини кўрсатди. Ўз навбатида, партия етакчиларининг вазиятни тўғри баҳолай олишлари ва зукколикларини, ўзларининг муносиб номзод бўлишлари билан бирга сайловчилар ва тарафдорлар, учун яъни ҳалқимиз фаровошлиги учун ҳаракат қилаётганлигини ҳамда оммавий сиёсий тадбир воситасида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги тажрибасини амалда намоён қилишибди, десак сира муболаға бўлмайди.

Тўртинчидан, яна битта янгилик Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловига тайёргарлик жараёнида электрон овоз беришни жорий этиш ва сайлов жараёнининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни фаол амалга оширмоқда.

27 октябр куни бўлиб ўтадиган сайловда фойдаланиш режалаштирилган электрон овоз бериш мосламаси 37 мамлакатда ижобий синовдан ўтган бўлиб, бу сайловчилар учун қулайликни оширади ва овозларни ҳисоблаш жараёнини тезлаштиради. Ушбу чора-тадбирлар қонун устуворлигини таъминлаш ва сайлов комиссиялари ишини оптималлаштиришга қаратилган.

Синов тариқасида Тошкент шаҳрининг айрим участкалари сайловчилари овоз беришнинг анъанавий ва электрон шаклларидан бирини танлаш имкониятига эга бўладилар, шунингдек, сайлов бюллетенларини электрон қурилмалар ёрдамида тўлдириш тартиби ҳам белгиланаётгани таҳсинга сазовор.

Бундан ташқари, овоз бериш жараёнининг онлайн трансляцияси тақдим этилади, бу қўшимча шаффофликни таъминлайди.

Халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни аккредитация қилиш интерактив “e-Salov” тизими орқали давом этаёттгани ҳам сайлов жараёнига бўлган ишончни оширишга ёрдам бериши айни ҳақиқат.